



ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 26 ноябрь кун «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ўзбек автомобиллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда, жумладан, Туркменистонда ҳам хариддорлар.

Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan», «СамАвто», «JV MAN Auto — Uzbekistan» сингари корхоналарда энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожига янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамизда автомобильлар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ягона заводдир. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг санокли мамлакатидagina мавжуд.

Корхона алюминий эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклари, тираскили валга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш линиялари, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини ўз ичига олган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёни компьютер орқали бошқарилади. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, айни пайтда экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2013 йил — Обод турмуш йили

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИХАЛАРИ

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини ошириш, уларга уй-рўзгор юмушларини енгиллаштиришда қўлай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича кўплаб лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Бундай изчил ишлар натижасида 2013 йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда ташкил этилган 833,4 мингта янги иш ўрнининг салмоқли қисмида хотин-қизлар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танлови кўплаб хотин-қизларнинг янги ташаббуслари рўёбга чиқишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда мазкур танловнинг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган маросимда шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Г.Махмудова, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки раисининг ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожини ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Бунда тадбиркор аёлларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар муҳим аҳамият касб этаётди. «Микрокредитбанк» кўмагида амалга оширилаётган «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш» лойиҳаси самарасида аёлларга 708 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Танловда Тошкент шаҳрида яшовчи Раъно Ортиқованинг тўй ва бошқа маросимлари миллий қадрият ва анъаналаримизга мос тарзда, ихчам ва ортиқча дабдабасиз ўтказишга оид лойиҳаси «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» деб топилди. Андижон вилояти вакилиси Одинахон Саидованинг геология фани бўйича яратган, Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи Нурпаша Матниёзованинг гулчиликни ривожлантиришга оид лойиҳаси «Қишлоқ жойларига мўлжалланган энг яхши лойиҳа» сифатида эътироф этилди. Тошкентлик Муслима Ўринбоеванинг миллий кўйроқлар яратишга доир лойиҳаси эса «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа» йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

— Миллий кўйроқлар ясашга жуда қизиқман, — дейди Сергели тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи 3-босқич ўқувчиси Муслима Ўринбоева. — Ота-онамдан ўрганган бу ҳунаримга ижодий ёндашган ҳолда гўзал ва бежирим кўйроқлар яратишга, уларда халқимизга хос хусусиятларни акс эттиришга ҳаракат қиламан. Бу интилишларим мазкур танловда қўллаб-қувватлангани ва фаолиятимни ривожлантиришга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилганлиги менга янада илҳом, куч-ғайрат бағишлайди.

Танловда ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, «Қамолот» ЁИХ, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олти мишдан зиёд ўқувчи Конституция мавзусини ёритишга бағишланган баён, иншо, тасвирий санъат, фотолаваха йўналишларида ўз ижодий ишлари билан иштирок этди.

● Термиз шаҳридаги 2-академик лицейда Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуман «Бахтимиз қомуси ва ободлик дастури» деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тарғибот гуруҳи томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим муассасалари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Нукусда «Йил аёли — 2013» анъанавий республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган кўргазмалар, видеоороликлар, белгиланган шартлар бўйича ўзига хос чиқишлар намойиш этилди. Якуний натижаларга кўра, Мўйноқ тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи Гулшод Даужанова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Бухорода Абу Али ибн Сино таълимийнинг фан тараққиётидаги ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ўпка, респиратор, невралогия, юкум-ли касалликларни даволашда, фармакологияда буюк ҳаким тажрибаси ҳамда у илгари сурган тавсиялардан замонавий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилаётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг «Вил Корнел» тиббиёт коллежи олимлари юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқарувчи генни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Кузатишлар давомида «АроЕ» деб номланган геннинг мутация жараёнида организмда ёғлар ишлаб чиқаришни ортириши аниқланган. Айнан ушбу ўзгариш инсонда юрак-қон томир, қандли диабет, инсульт каби касалликлар ва ортиқча вазнининг пайдо бўлишига олиб келади.

● Гватемалалик археологлар мамлакат шимолида майя цивилизациясига оид тош девор қолдиқларини топишди. Текширувлардан маълум бўлишича, Гватемала ҳудудидан топилган сарой харобаси ҳақиқатдан ҳам майяларга тегишли бўлиб, девор қолдиқларидаги фрескаларда асосан тарихий сана ва воқеалар тасвирлаб берилади. Шунингдек, уларда эркак аёл, болалару кексалар кийёфаси ва шу билан бирга сон-саноксиз иероглифлар акс эттирилган. Энг қизиғи, ушбу фрескаларда майя маданияти илк бор суви бўёқларда тасвирланади.

● Ўтган йили Сурияда дунёдаги энг улкан ресторан ўз фаолиятини бошлаган эди. Жорий йилда ўнта футбол майдонига тенг бўлган ушбу улкан ошхоналар мажмуаси мижозлари сони кескин кўпайди. Таъкидлаш жоизки, «Дамашк дарвозаси» деб номланган ушбу емакхона 6012 ўринга эгаллиги билан шу пайтга қадар дунёдаги энг катта ҳисобланиб келинаётган Бангкокдаги 5 минг ўринли ресторанни ҳам ортда қолдирди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2013 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

26 ноябрь кун «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқлангандан кейин депутатлар Давлат бюджетининг 2013 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари М.Мирзаев, шунингдек, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С.Отамуродов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан жорий йил январь ойида ҳукумат мажлисида белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурининг энг муҳим устуворликлари амалга ошириш доирасида ўтган тўққиз ой мобайнида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатлардаги ўсиши таъминланди, шунингдек, белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Бундай ижодий кўрсаткичлар иқтисодиётнинг ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлилигини янада ошириш, ишлаб чиқариш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни тезлаштириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш ҳисобидан таъминланди.

Давлат бюджетини ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди. Ташки савдо айланмасининг ижобий салҳоси 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари 9,4 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоизни, чакана савдо ай-

ланмаси 14,7 фоизни ташкил этди. Машинасозлик ҳамда металлургия ишлов бериш, энгил-саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат қурилиш каби тармақларнинг жадал ривожланиши таъминланди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий тузилмасида ушбу тармақларнинг улуши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 47,4 фоиздан 51,4 фоизгача ўсди. Шу йилнинг бошидан тахминан 2,2 минг ишлаб чиқариш объекти ишга тузилганлиги ҳам саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига кўмаклашди.

Мажлисида ҳисобот даврида Давлат бюджетининг харажат қисмида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, пенсиялар, нафақалар тўловлари каби ижтимоий соҳани молиялаштиришга устувор аҳамият берилганлиги алоҳида таъкидланди.

Умуман олганда, Давлат бюджетини 2013 йилнинг 9 ойи мобайнида Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорига мувофиқ ижро этилди.

Саволларга жавоб берилгандан кейин ҳисобот батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Музокараларда ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини таҳлил қилишда партиянинг сайловолди дастурини амалга ошириш бўйича ўз устуворликлари, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициялар жалб қилиш имкониятини ошириш учун мумкин қадар

қўлай ишчанлик муҳитини шакллантириш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифаларини ҳал қилишга уруқ берилганини таъкидлашди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ортди, бу эса ягона солиқ тўлови тушумларининг ошишига олиб келди. Солиқ юқининг пасайтирилиши, хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган банк кредитлари ҳажмининг оширилиши кичик бизнеснинг жадал ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Хусусий секторда солиқ юқининг пасайтирилиши ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берганлиги қайд этилди.

Аграр сектор, фермерлик ҳаракати ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадли сиёсатнинг амалга оширилиши, агротехник тадбирлар билан боғлиқ баъзи харажатларнинг камайтирилиши фермер ва деҳқон ҳўжаликлари даромадларининг ортиши, ерлар ҳосилдорлигининг ошиши учун пойдевор яратди.

ЎзЛиДеП депутатлари тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган бизнес-муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳўқуқий ҳўжатларнинг тўлиқ ҳажмдаги ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳўжатларининг талаблари жойларда сўзсиз ижро этилиши муҳим эканлигини таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда)

